

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КОЗИНСКАЯ ЛЮБОВЬ КОНСТАНТИНОВНА

**ГРИНЬЯР РЕАКЦИЯСИ БЎЙИЧА ДИБЕНЗО-18-КРАУН-6 НИНГ
ЯНГИ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Козинская Любовь Константиновна

Гриньяр реакцияси бўйича дибензо-18-краун-6нинг янги
 ҳосилалари синтези ва ҳоссалари..... 3

Козинская Любовь Константиновна

Синтез и свойства новых производных дибензо-18-краун-6 по
 реакции Гриньяра..... 23

Kozinskaya Lubov

The synthesis and properties of new derivatives of dibenzo-18-
 crown-6 by the Grignard reaction 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КОЗИНСКАЯ ЛЮБОВЬ КОНСТАНТИНОВНА

**ГРИНЬЯР РЕАКЦИЯСИ БЎЙИЧА ДИБЕНЗО-18-КРАУН-6НИНГ
ЯНГИ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2PhD/K111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси ik-kimyo.nuu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташмухамедова Айниса Каримовна**
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич**
кимё фанлари доктори

Кадиров Хасан Иргашевич
техник фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Ўсимлик моддалари кимёси институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил "___" _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (99871) 277-12-24; факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100104, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУнинг фундаментал кутубхонаси. Тел.:(99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)..

Х. Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

А. К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда нефт-газ маҳсулотларини қайта ишлаш саноатининг жадал ривожланишида, қишлоқ хўжалигида юқори самарали ўсимлик ўсиши стимуляторларини ишлаб чиқишда, фармацевтикада ножўя таъсирлари бўлмаган пролонгацияланган дори воситалари яратиш учун органик синтез соҳасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тиббиёт, биология ва кимё соҳаларида краун-эфирлари асосида ионларни индукцион мембранада ташиш жараёнларида иштирок этувчи, фунгитаксик ва ингибирловчи хоссага эга бўлган модда ва материаллар олиш ҳамда уларни амалда қўллашга кенг имкониятлар очилмоқда.

Жаҳонда кимё саноатига замонавий технологияларни татбиқ этиш, табиий антибиотикларни (валиномицин ва бошқалар) ва органик бирикмаларнинг янги турларини синтез қилиш ҳамда нефть саноати жиҳозлари коррозиясининг ингибиторларини, Гриньяр реакцияларида ишлатиладиган фазавий ўтиш катализаторларини олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада краун-эфирлари ва уларнинг ҳосилаларини тузилишини аниқлаш ва истиқболли моддаларни мақсадли синтез қилиш ҳамда улар асосида фармакологик фаолликка эга бўлган дори воситаларини яратиш тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда сўнгги вақтларда маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва уларни импорт қилинувчи маҳсулотлар ўрнига амалиётга жорий этиш муаммосини ечишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада турли хил фармацевтика, кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, айниқса нодир, заҳарли металлларни анализ қилишда ва ажратиб олишда муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»¹ вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан дибензо-18-краун-6 нинг янги ҳосилаларини олиш учун Гриньяр реакцияси асосида тиббиёт, биология ва кимё соҳаларида ишлатиладиган моддаларни синтез қилиш ҳамда фойдаланиш соҳаларини аниқлаш шунингдек амалиётга тадбиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг барча саноати ривожланган давлатларида краун-эфирлар, уларнинг ҳосилаларини ўрганиш ва мақсадли ишлатилиши билан боғлиқ тадқиқот ишлари жадал олиб борилмоқда. Чет элларда ушбу йўналишда Dixon S.A. бензокраун-эфирлар билан Гриньяр реакцияларини, Deetz Martin J. ва Li Ya-Ping лар эса бензо- ва дибензокраун-эфирларни нитролашни ўрганишмоқда. О. Kikukawa ва унинг ўқувчилари краун-эфирларнинг винил ҳосилалари устида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Шунингдек, Hazeimeh H. ва J.M. Mattalia лар краун-эфирларининг ҳосилаларини фазавий ўтиш катализаторлари сифатида ишлатиб Гриньяр реакциясини ўрганишмоқда.

МДХ давлатларида ҳам бир қатор олимлар макроциклик полиэфирлар кимёсига улкан хисса қўшганлар. Академик А.В.Богатский раҳбарлигида Украинанинг физик-кимё институтида С.А.Котляр ва С.М. Плужник-Гладирьлар краун-эфирларининг янги ҳосилаларини синтез қилиш ва хоссаларини ўрганиш устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. С.В. Клятская (МДУ, Россия) бензокраун-эфирларининг ацетиленли ҳосилаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиққан. Е.В. Луковская ва унинг ҳамкасабалари Ломоносов номли МДУ кимё факультетида тиофен тутган дибензокраун-эфирларни ўрганмоқдалар.

Республикамизда макроциклик полиэфирлар соҳасида тадқиқот ишлари билан О.К.Тошмухамедова ва унинг шогирдлари шуғулланиб келмоқдалар. Улар томонидан бензо- ва дибензокраун-эфирларнинг бензол халқасида электрофил алмашилиш реакциялари амалга оширилган. У.З. Мирходжаев томонидан эса ионларнинг биологик ва айрим модел мембраналар орқали транспортлик хоссасини ўрганиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ундан ташқари бензокраун-эфирлари гомологик қаторининг қатор функционал ҳосилалари системали тадқиқот қилинмоқда. С.Э. Нурмонов ва О.Э. Зиядуллаевлар Гриньяр реакцияси асосида ацетилен спиртлари синтези соҳасида илмий ишлар олиб боришмоқда.

Краун-эфирларининг бир қатор учламчи спиртларини ва алкилнитрозоҳосилаларини синтез қилишнинг мақбул шароитларини топиш, уларни турли мақсадларда ишлатилишини амалга ошириш Республикамиз кимё саноатини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-57

«Дибензо-18-краун-6 ва дибензо-24-краун-8 асосидаги гетероциклик системалар синтези, уларнинг экстракцион ва транспорт хосслари» (2011-2015 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Гриньяр реакцияси бўйча дибензо-18-краун-6нинг янги ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дибензо-18-краун-6 ва унинг ҳосилаларининг Гриньяр реакциясида фазалараро катализ ва автокатализини таҳлил қилиш;

дибензо-18-краун-6 нинг бир қатор учламчи спиртларини ва нитрозоалкилли ҳосилаларини синтез қилиш;

олинган бирикмаларнинг экстракцион ва транспорт хоссаларини аниқлаш;

дибензо-18-краун-6 ҳосилалари билан магнийнинг барқарор комплексларини олиниш шароитларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти дибензо-18-краун-6; 4',4''(5'')-диацетилдибензо-18-краун-6; 4',4''(5'')- ва 4',4''- динитродибензо-18-краун-6; 4',4''(5'')- ва 4',4''- диаминодибензо-18-краун-6 дан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Гриньяр реакцияси бўйча янги С–С боғининг ҳосил бўлиши, фазалараро катализ шароитида Гриньяр реакциясини ўрганиш ва дибензокраун-эфирнинг ароматик халқасидаги электрофил алмашилиш реакциялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида юпка қатлам ва колонкали хроматография, УБ, ИҚ-, ¹Н- ва ¹³С- ЯМР- спектроскопия ҳамда элемент тахлили каби замонавий усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Гриньяр реакцияси асосида 4',4''(5'')-диацетилдибензо-18-краун-6нинг учламчи спиртларини олиш методикаси ишлаб чиқилди ҳамда 4',4''(5'')-дийоддибензо-18-краун-6 нинг магнийли комплекс билан мувофиқли синтезлари ёрдамида 4',4''(5'')-ди-(диметилоксиметил)-дибензо-18-краун-6 ва 4',4''(5'')-ди-(метилэтилоксиметил)- дибензо-18-краун-6 олинган;

4',4''(5'')-дийоддибензо-18-краун-6 билан карбонат ангидриди таъсирлашиши реакциясида 4',4''(5'')-дибензо-18-краун-6-дикарбон кислотасининг липофил (бензол) ва классик Гриньяр эритувчиларида (диэтил эфир) ҳосил бўлиши аниқланган;

илк бор 4',4''(5'')-дийоддибензо-18-краун-6 асосида Гриньяр реактиви синтез қилинган ва турли шароитларда унинг реакция қобиляти аниқланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг экстракцион, транспорт ва микробиологик хоссалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

4',4''(5'')-дигалоид-дибензо-18-краун-6 асосида Гриньяр реактиви олинган;

4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)-добензо-18-краун-6 асосида ишқорий ер металлари билан юқори селектив комплекс ҳосил қилиш хоссасини намоён қилувчи амалий аҳамиятга эга бўлган бирикмалар олинган ва ишқорий ер металларига нисбатан сорбцион хусусиятлари аниқланган;

4',4''(5'')-ди-(метил-*n*-бутилоксиметил)-добензо-18-краун-6 нинг аналитик реагент сифатида атом радиуси катта бўлмаган d-металлар билан селектив комплекс ҳосил қилиши аниқланган;

янги авлод ингибитори 4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)- добензо-18-краун-6 моддаси бактерияларга нисбатан биоцид сифатида металлар биокоррозиясига қарши самарали воситалар яратилган;

4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)-добензо-18-краун-6 ва 4',4''(5'')-ди-(метилаллилоксиметил)-добензо-18-краун-6 нинг *Fusarium solani* ҳамда *Alternaria alternata* га нисбатан фаол антибиотик модда эканлиги исботланган;

4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)-добензо-18-краун-6 нинг микросклероций ривожланишига таъсир қилиши ва морфология ўзгариши билан бирга колониянинг рангини қора рангдан кулрангга ўзгартириши аниқланган;

4',4''(5'')-ди-(метилпропилоксиметил)-добензо-18-краун-6 нинг *Fusarium solani* га нисбатан фунгистатик фаолликни намоён қилиши аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги УБ-, ИҚ-, ¹Н- ва ¹³С- ЯМР-спектроскопия сингари физик-кимёвий тадқиқот усуллари ва элемент таҳлили натижалар асосида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизимли равишда добензо-18-краун-6 ҳосилалари иштирокида Гриньяр реакциясининг боришига таъсир қилувчи ҳамда уларнинг реактив, синтон, катализатор сифатида қўллаш механизмига таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти макроциклик полиэфирлар молекуласига турли гуруҳларни киритиш орқали олинган маҳсулотнинг атом радиуси катта бўлмаган d-металлар ва ишқорий металлар билан селектив ҳосил қилган комплексларини фунгицид, аналитик реагент, ингибитор ва антибиотик сифатида қўллашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Гриньяр реакцияси натижасида краун эфирларнинг ҳосилаларини синтез қилиш ва хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

добензо-18-краун-6 ва унинг ҳосилалари «Электрокимё» АЖда амалиётга жорий этилган («Электрокимё» АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 609-сон маълумотномаси). Натижада аммоний, калий ва натрий катионлари концентрацияларини аниқлашда сорбент сифатида фойдаланиш имконини берган;

4',4''(5'')-ди-(диметилоксиметил)-добензо-18-краун-6 эфири «Истиқболли тиббиёт технологиялари» АЖДа (Россия Федерацияси) тиббиёт буюмларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича юрак хасталигида ишлатиладиган тиббиёт буюмларини модификациялаш учун олиб борилган мақсадли илмий тадқиқотларида фойдаланилган («Истиқболли тиббиёт технологиялари» АЖнинг 2018 йил 26 июлдаги маълумотномаси). Натижада краун эфирлари билан модификацияланган янги тиббиёт буюмлари яратиш имконини берган;

добензо-18-краун-6 асосидаги учламчи спиртларнинг синтези ва кимёвий ўзгаришлари бўйича олинган натижалардан ФА-А6-Т106 рақамли «Нефт, табиий газ ва газ конденсатини қазиб олишда ишлатиладиган жиҳозлар, нефт қувурлари, магистрал газ тармоқларини химоя қилишда қўлланиладиган биокоррозия ингибиторларини яратиш» мавзусидаги лойиҳада коррозияга қарши ингибиторлар сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 23 октябрдаги 4/1255-2794-сон маълумотномаси). Натижада нефть қазиб олишда ва нефтни қайта ишлаш саноатида қўлланиладиган биоингибиторлар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан 15 халқаро ва 2 республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ишининг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациясининг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Добензо-18-краун-6 ва унинг ҳосилаларини синтези ва хоссалари**” мавзусидаги биринчи бобида мавзуга оид халқаро ва мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, улар бензо- ва добензокраун-эфирларни


галогенлаш, нитролаш ва ациллаш муаммоларига бағишланган. Мавзунинг долзарблиги ва ахамияти асосланган, краун-эфирларни янги ҳосилаларини синтези ва модификациялаш натижалари келтирилган, шунингдек, уларнинг қўлланилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “ДБ18К6 ва унинг ҳосилаларининг каталитик хоссалари” мавзусидаги иккинчи бобида дибензо-18-краун-6 моддасининг Гриньяр реакциясида йодбензолдан бензой кислотасини олишда каталитик таъсир қилиши муҳокама қилинган. Бунда бензой кислотасининг унуми 59%ни ташкил этган.



ДБ18К6 каталитик миқдорда ишлатилганида реакция аралашмани (эфир эритмасида) иситиш ва ҳатто қайнатиш (бензол эритмасида) керак. Унум эфирда 68 ва бензолда 78% ни ташкил этган.


ДБ18К6 нинг каталитик миқдорини магний ва йодбензол аралашмасига қўшилганида магний тўлиқ эримаган, натижада маълум бўлдики, макроциклик полиэфир реакцияга каталитик таъсир этмайди, балки координатсион комплекс R-Mg-I, ҳосил қилувчи реагент ҳисобланади.



Ишда ДБ18К6 нинг ҳосилаларини Гриньяр реакциясидаги каталитик хоссалари ўрганилган. Айниқса ДБ18К6 нинг автокатализ хоссаси катта қизиқишга эга бўлди.

Гриньяр реакциясини эфирли муҳитда олиб бориш

ДБ18К6 ҳосилаларининг автокаталитик хоссасини ўрганиш учун куйидаги эритувчилар танлаб олинди: анъанавий бўлган эритувчилар - диэтил эфири ва тетрагидрофуран (ТГФ); анъанавий бўлмаган -бензол, толуол, гексан. 4',4''(5'')-диацетил-ДБ18К6 билан этил бромид реакцияси амалга оширилди:




Реакция икки босқичда кетади:

1- ДБ18К6 нинг магний билан комплексининг ҳосил бўлиши – паға-паға пахтасимон комплекс ҳосил бўлиб, узоқ вақт сақланганда барқарор;

2- охирги маҳсулотнинг ҳосил бўлиши.

4',4''(5'')-ди-(метилэтилоксиметил)-ДБ18К6 нинг эфир ва ТГФ мухитидаги унуми мос равишда 42 ва 52% га тенг.

Тадқиқотларнинг давомида фазавий ўтиш катализатори сифатида 4',4''-динитро-ДБ18К6 нинг нормал-бутил бромиди билан қуйидаги схема бўйича Гриньяр реакцияси ўрганилди:



3',3''-ди-*n*-бутил-4',4''-динитрозо-ДБ18К6 нинг унуми мос равишда эфирда 45 ва ТГФ да 49% ни ташкил қилди.

Маҳсулотнинг унуми юқори бўлиши учун полиэфир ва эритувчининг эфиратлари ҳосил бўлишини олдини олиш зарур. Иқтисодий сарфларни камайтириш учун ротор буғлантиргичида ҳайдаш имконини берувчи юқорироқ қайнаш ҳароратига эга бўлган эритувчи танланади. Бунинг учун гексан, бензол ва толуоллар танлаб олинди.

Липофил эритувчиларда моддаларни реакция муҳитга кўшиш учун қуйидаги тартибдан фойдаланилди: 4',4''(5'')-диацетил-ДБ18К6 нинг бензолдаги эритмасига ортиқча магний қўшилди, 30 дақиқадан сўнг тиниқ сариқ рангли бензолнинг эритмасида бутун хажм бўйлаб жигарранг чўкма ҳосил бўлди. Кейин мос равишдаги эритувчи билан RBr нинг ҳисобланган миқдори қўшилди. Эритувчиларнинг солиштирилган таснифлари ва маҳсулотнинг унуми 1-жадвалда ёритилган.

Эритувчи сифатида бензол ва толуолларни ишлатиш реакция муҳитидаги ҳароратини ошириш имконини берди, шунингдек, 4',4''(5'')-диацетил-ДБ18К6 нинг эрувчанлиги яхшилиги туфайли (иккита бензол

ядроси бўлганлиги учун) магний билан ҳосил қилган комплекси деярли 30 дақиқада ҳосил бўлди ва натижада реакциянинг умумий вақти 3 соатгача қисқарди. Реакция давомида автокатализ эффекти кузатилди –мос равишда учламчи спирт ва нитрозобирикма ҳосил бўлди.

Бензол ва толуоллар “кулай эритувчи” ҳисобланиб маҳсулотни ажратиб олишда реакцион массани музга солмасдан, балки эритувчини роторли буғлантиргичда хайдаб олинди. Бунда 4',4''(5'')-ди-(метилэтилоксиметил)-ДБ18К6 юқори унумда ҳосил бўлди – бензолдаги унуми 83, толуолдаги унуми эса 80% ни ташкил этди. Олинган маҳсулотлар ИҚ- ва ¹H-ЯМР-спектроскопия усулларида идентификация қилинди.

1-жадвал.


Гриньяр реакцияси учун эритувчиларнинг солиштирма таснифи


№	Эритувчи	Эритувчининг қайнаш ҳарорати T _{қайн} ⁰ C	Комплекс ҳосил бўлиш вақти, мин	Реакциянинг умумий вақти, соат	Ажратиш усули	Маҳсулот унуми, %	
						учламчи спирти ДБ18К6	нитрозо-алкил-ДБ18К6
1	Диэтил эфир	36	30-40	5-6	музда	42	45
2	ТГФ	64-66	30-40	5-6		52	49
3	Бензол	80	30	3	ротор	83	67
4	Толуол	110	30	3	буғлат-гичда	80	61
5	Гексан	69	50	4-5		16	14

Маҳсулот унумини ошириш, эфир эритувчисига нисбатан бензолда реакцияни юқорироқ ҳароратда олиб бориш, реакцияга олинган эритувчини оддий тайёрлаш ҳисобига маҳсулотни ажратишни соддалаштиришга эришилиши шуни кўрсатадики, липофил эритувчиларда синтез олиб борилиши эфир эритувчиларига нисбатан янада қулайроқ ҳисобланади.


Дигалоид-ДБ18К6 асосида Гриньяр реактивини олиш

ДБ18К6 нинг 4',4''(5'')-дийодли ҳосилалари 4',4''(5'')-диамино-ДБ18К6 ни диазотирлаш реакцияси орқали олинди. Ушбу усул билан ДБ18К6 нинг бошқа ҳосилалари ҳам олинди.






ДБ18К6 нинг дигалоидли ҳосилаларини олиш усули кўп босқичли бўлишига қарамасдан ушбу усулда ДБ18К6 ни нитролаш натижасида 4',4''- ва 4',5''-динитро-ДБ18К6 нинг изомерлари аралашмаси ҳосил бўлади ва уларни ажратиш ДМФА ёки метилцеллозольвдаги эрувчанлиги фарқи бўйича амалга оширилди.



Ҳосил бўлган изомерлардан 4',4''-динитро-ДБ18К6 кўп бўлиб (60%), уни кейинги реакцияларда ишлатиш мумкин.

Охирги маҳсулотни диазотирланиши натижасида ДБ18К6 нинг диазоний тузи ҳосил бўлади ва уни ажратмасдан туриб Зандмейернинг модификацияланган усули билан катализатор сифатида мис тузи иштирокида калий галогенидлари билан реакциясида ишлатилди.




Олинган маҳсулотнинг тузилиши ИҚ- ва ПМР- спектроскопия усуллари билан тасдиқланган. ДБ18К6 нинг дигалогенли ҳосилаларини ПМР-спектрлари солиштирилганида аниқландики, макроциклдаги ва 4',4''-дихлор-ДБ18К6 нинг бензол ҳалқасидаги учта алмашинган гуруҳларнинг протонлари 4',4''-дибром- ва 4',4''-дийод-ДБ18К6 ларнинг протонларига нисбатан кучсиз соҳага силжиган.

Шунингдек, ИҚ-спектрларида ҳам галогеннинг табиатига боғлиқ бўлган силжиш мавжуд: масалан, дихлор алмашинган-ДБ18К6 га хос бўлган ютилиш чизиқлари дибром- ва дийод- алмашинган ДБ18К6 нинг ютилиш чизиқларига нисбатан кучсизроқ майдонга $3-12 \text{ см}^{-1}$ бирликка силжиган. Хлор-, бром- ва йод-алмашинганда мос равишда 764 см^{-1} ва 557 см^{-1} ва 500 см^{-1} ютилиш чизиқлари кузатилганлиги тузилишни тасдиқлашга асос бўлди.

Гриньяр реакцияси ёрдамида 4',4''(5'')-добензо-18-краун-6-дикарбон кислотасини олиш


Гриньяр реакцияси бўйича ДБ18К6 нинг молекуласига карбоксил гуруҳини киритиш амалга оширилди:



Магнийорганик бирикмани ажратмасдан туриб карбонат ангидриди билан реакция амалга оширилди ва олинган магнийли аралаш тузни 4',4''- и 4',5''-изомерлардан иборат бўлган 4',4''(5'')-ДБ18К6-дикарбон кислотасигача гидролизлантирилди. Маҳсулотнинг энг яхши унуми бензолда 32, эфирда эса 24% ни ташкил этди. 4',4''(5'')-ДБ18К6-дикарбон кислота унумининг бензол эритмасида ошиши ҳосил бўлаётган макроцикл билан магнийнинг ҳосил қилган комплексининг барқарорлиги орқали тушунтирилди.

4',4''(5'')-дийод-ДБ18К6 асосида учламчи спиртлар синтези

Тадқиқот ишлари давомида Гриньяр реактиви сифатида дийоддимагний-ДБ18К6 ишлатилди, карбонил таркибли синтон сифатида эса – диметилкетон ва метилэтилкетонлар қўлланилди. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Бир хил унумлар билан олинган маҳсулотлар барча хоссалари билан мос равишда 4',4''(5'')-ди-(диметил оксиметил)- ДБ18К6 ва 4',4''(5'')-ди-(метилэтил оксиметил)-ДБ18К6 ларга мос келди.

4',4''(5'')-дийод-ДБ18К6 – магний эфирати комплексининг реакция қобиляти ва барқарорлигини аниқлаш

Маълумки, Гриньяр реактиви RMgX ҳаво кислородига, намликка сезгир ва уни кавшарланган ампулаларда абсолют эритувчида сақланади. Одатда Гриньяр реактиви аниқ бир реакция учун олинади ва реакция аралашмадан ажратиб олинмасдан ишлатилади.

Гриньяр реактивини 4',4''(5'')-дийод-ДБ18К6 асосида олиш давомида маълум бўлдики, ДБ18К6 нинг магнийли комплекси микдорий ҳосил бўлади ва ҳавода нисбатан барқарор. Олинган комплекслар деярли 3 суткагача ўз реакция хоссасини сақлайди, яъни магний краун-эфиратнинг ҳавода парчаланиши чизикли бормайди. Комплекс ҳаво намлиги таъсирида гидролизланади. Магний краун-эфират куруқ азот атмосферасида ампулада сақланганда унинг парчаланиши деярли 1 йилда ҳам кузатилмади.

Алкил(арил)магнийгалогенидларнинг краун-эфирларини юқори барқарорлиги, уларнинг кўп вақт сақланувчанлиги ва зарурат туғилганида ишлатилиши, энгил ёнувчан ва осон портловчи эритувчилар қўлланилгандан ташқари ҳолатларда ушбу бирикмаларни органик синтезда истиқболли реагент сифатида амалда қўлланилишини янада кенгайтиради.

2-Жадвал

4',4''(5'')-дийод-ДБ18К6 – магний эфирати комплексининг реакция қобиляти ва вақт бўйича барқарорлиги

Mg ва 4',4''(5'')-дийод-ДБ18К6 комплексини сақланиш вақти	Магний эфиратни турли вақтда сақлаш билан бир қанча тажрибалар олиб борилганида 4',4''(5'')-ди-(диметил оксиметил)-дибензо-18-краун-6 унумлари, %
Янги тайёрланган	83
1 суткадан сўнг	60*дан кўп
2 суткадан сўнг	50*дан кўп
3 суткадан сўнг	40*дан кўп
4 суткада	10*дан кам

*тури вақтларда бир қанча тажрибаларни олиб боришдаги умумлашган натижа.

Гриньяр реакциясида ДБ18К6 нинг дигалоидли ҳосилаларининг фаоллигини солиштириш


Реакциянинг магний иштирокида осон кетиши алкилгалогениддаги радикал тузилишига ва галогеннинг табиатига боғлиқ. Галогеналкиллар – алкилйодидлар ва алкилбромидларнинг юқорироқ реакция қобиляти бўлиб, алкил хлоридларнинг фаоллиги паст, алкилфторидлар эса магний билан умуман таъсирлашмайди.

Этилгалогенидлар ва 4',4''(5'')-диацетил-ДБ18К6 асосида олинган Гриньяр реактивидаги галогеннинг табиати таъсири ҳамда дигалоид ДБ18К6 нинг кетонлар билан реакция бўйича учламчи спирт олишда ҳосил бўлган

Гриньяр реактиви илмий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. Ушбу икки усулни карама-қарши синтез сифатида қараш мумкин.


Гриньяр реакциясида синтон сифатида этилйодид, бромид ва хлоридлар билан реакцияси учун нисбатан олинishi осон 4',4''(5'')-диацетил-ДБ18К6 танлаб олинди. Гриньяр реактиви асоси сифатида эса 4',4''-и 4',4''(5'')-дийод-, дибром-, дихлор- ДБ18К6, синтонлар сифатида диметил- ва метилэтилкетонлар қўлланилди.

4',4''(5'')-диацетил-ДБ18К6 нинг этилйодид, этилбромид ва этилхлорид билан реакциясини қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин:



Бу реакциялар бир хил шароитларда бензол муҳитида 3 соат давомида олиб борилди. 4',4''(5'')-ди-(метилэтилоксиметил)- ДБ18К6 нинг диучламчи спирти барча этилгалогенидлар иштирокида ҳосил бўлди. Спиртнинг унуми галоген табиатига боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, этилхлорид фаоллиги паст бўлганлиги сабабли, бунда унум 26% ни ташкил этди, этилбромид ва этилйодид ишлатилганида эса унум мос равишда 83 ва 87% - ни ташкил қилди.

Галоген алмашинган краун-эфирдаги галогеннинг табиати таъсирини ўрганиш учун ДБ18К6 нинг дийодид, дибромид ва дихлоридли ҳосилалари синтез қилинди. 4',4''(5'')-дийод-, 4',4''(5'')-дибром- ва 4',4''(5'')-дихлор-ДБ18К6 асосида олинган Гриньяр реактивига учламчи спирт олиш учун зарур миқдордаги магний қириндиси ва метилэтилкетон қўшилди:




Тадқиқотлар натижасида ДБ18К6-ил-димагнийдийодид (74%) асосидаги Гриньяр реактивининг фаол эканлиги аниқланди, унга нисбатан ДБ18К6-ил-димагнийдибромид (38%) икки мартаба кам фаолликни, ДБ18К6-ил-димагнийдихлорид (14%) эса беш мартаба кам фаолликни намоён қилди.

Учламчи спиртли ҳосилаларнинг синтезини амалга оширишда галогеннинг таъсирини ўрганишда олинган маълумотлар краунланмаган (алкил ва арил-) магнийгалогенидларнинг фаоллик қатори $I > Br > Cl$, $C-NaI$ боғ энергияси нуқтаи назаридан тушунтирилди.


*Гриньяр реакциясида ДБ18К6 нинг ҳосилалари синтон сифатида
Гриньяр реакцияси бўйича 4',4''(5''')-диацетил-ДБ18К6 асосида синтезлар*

ДБ18К6 краун-эфирнинг бензол ҳалқаси α-ҳолатидаги гидроксيلي ҳисобига учламчи спиртлар синтези амалга оширилди. Бунинг учун Гриньяр реакциясида карбонил тутган синтон сифатида алкил(арил)бромидлар билан 4',4''(5''')-диацетил-ДБ18К6 танлаб олинди. Гриньяр реакциясини бензолда 4',4''(5''')-диацетил-ДБ18К6 билан олиб бориш учун ҳисобланган магний кириндиси ва Гриньяр реактиви сифатида нормал тузилишдаги алкилбромидлар (C₁-C₅) ва шунингдек, аллил бромид ва бромбензоллар танлаб олинди.

Гриньяр реакцияси қуйидаги схема асосида амалга оширилди.



4',4''(5''')-диацетил-ДБ18К6 нинг бензолдаги эритмасига магний қўшилганида комплекс ҳосил бўлади ва уни ажратмасдан туриб алкилгалогенид (R-Br) қўшилди ва сўнгра реакция маҳсулоти гидролиздан сўнг мос равишдаги ДБ18К6 нинг 4',4''(5''')-учламчи спиртлари ҳосил бўлади.



I R= -CH₃, II R= -C₂H₅, III R= -C₃H₇, IV R= -C₄H₉, V R= -C₅H₁₁, VI R= -CH₂-CH=CH₂, VII R= -C₆H₅

Дастлабки ва ҳосил бўлган моддаларнинг ПМР-спектрлари солиштирилганида, гидроксил гуруҳининг протонлари мос равишда 1,14-1,53 м.у.да кузатилди ва α- метил гуруҳининг протонлари сигнали кучли майдонга сурилиб 2,44 м.у. соҳадан 1,53-1,91 м.у. соҳагача ҳосил бўлади. Олинган I – бирикмада 4 та метил гуруҳининг 12 протонларига ва гидроксил гуруҳларининг иккита протонларига мос келувчи 14 та протоннинг синглети 1,53 м.у. соҳада ҳосил бўлади.


VI ва VII бирикмаларнинг ПМР спектрларида қуйидаги ўзига хос сигналлар мавжуд: VI моддадаги -CH=CH₂ винил гуруҳининг 4 та протони учун 5,04-5,08 м.у. соҳада мультиплет сигнал, -CH=CH₂ винил гуруҳларидаги иккита протон учун 5,82-5,91 м.у. соҳада мультиплет; VII моддадаги фенил қолдиғининг 10 та протони 7,19-7,50 м.у. соҳада мультиплет сигнал ҳосил қилади.

Олинган маҳсулотларнинг ИҚ – спектрида дастлабки 4',4''(5'')-диацетил-ДБ18К6 нинг карбонил гуруҳига хос бўлган 1680 см⁻¹ даги ютилиш чизиғи кузатилмади. I-VII бирикмаларнинг спектрларида мос келувчи сохаларда қуйидаги ютилиш чизиқлари кузатилди: учламчи спиртларнинг ОН гуруҳларига хос асимметрик валент тебранишлари 3627-3617 см⁻¹, 1157-1150 см⁻¹ да симметрик тебранишлар; 1254-1247 см⁻¹ ва 929-912 см⁻¹ сохада ОН гуруҳининг текис ва нотекис деформацион тебранишларига хос ютилиш чизиқлари; –СН₃ гуруҳнинг асимметрик ва симметрик валент тебранишлари мос равишда 2976-2957 см⁻¹ ва 2876-2860 см⁻¹ сохада кузатилди. Краун-эфир бензол халқасининг 1,2,4-алмашинган ҳосилалари 874-868 см⁻¹ ва 807-801 см⁻¹ сохада ўзига хос ютилиш чизиқларини беради, шунингдек, I бирикманинг гемдиметил гуруҳлари учун 1460 см⁻¹ сохада ютилиш чизиғи мавжуд. 1477-1470 см⁻¹ сохада II-V бирикмаларнинг СН₂- гуруҳларини қайчисимон тебранишларига хос ютилиш чизиқлари кузатилди. VI модданинг спектрида винил гуруҳлари учун мос келадиган, метилен гуруҳининг симметрик ва асимметрик валент тебранишига хос ютилиш чизиғи 3122 см⁻¹, 1852 см⁻¹, ва 995 см⁻¹ сохаларда кузатилган. VII модда учун 779 ва 771 см⁻¹ сохада мос равишда фенил бромиднинг моноалмашинган бензол ядроси учун мос келувчи ютилиш чизиғи ҳосил бўлган.

4',4''(5'')-ди-(метилаллилоксиметил)-дибензо-18-краун-6 бирикмаси учун қўшбоғга хос сифат реакцияси ўтказилди ва калий перманганатнинг сувли эритмасининг рангсизланиши кузатилди.

Гриньяр реакцияси бўйича 4',4''-динитро-ДБ18К6 асосида синтезлар

Гриньяр реакцияларда ДБ18К6 ҳосилалари қилинди ва 4',4''-динитро-ДБ18К6 ни нормал тузилишли алкилмагнийбромид билан қуйидаги схема бўйича алкиллаш реакцияси амалга оширилди:



Барча реакциялар аввалгидек икки босқичда: 4',4''-динитро-ДБ18К6 нинг магний билан паға-паға комплексини ва охириги маҳсулотнинг ҳосил бўлиши билан боради. Олинган 3',3''-диалкил-4',4''-динитрозо-ДБ18К6 маҳсулотлари яшил рангли аморф кукун бўлиб, унинг унуми 65-78% ни ташкил этди.

Олинган моддаларнинг тузилиши ИҚ-, ¹Н- ва ¹³С-ЯМР-спектроскопия усуллари билан тасдиқланди, аллил радикалидаги қўшбоғни аниқлаш учун калий перманганат эритмаси билан қўшбоғга хос сифат реакцияси ўтказилди.

Олинган бирикмаларнинг ^1H -ЯМР-спектрлари солиштирилганда, 3',3''-диалкил-4',4''-динитрозо-ДБ18К6 нинг спектрида ароматик халқа протонлари сигналлари кучсиз майдонга силжиб 6,75-7,20 м.у. соҳада ҳосил бўлиши кузатилди.

^{13}C –ЯМР- спектрларда эса ароматик халқа ва радикалларнинг С-С янги боғлари учун 120 м.у. соҳада сигнал ҳосил бўлди. Молекуладаги С-N=O даги углеродга хос сигнал кучсиз 156-160 м.у. соҳада ҳосил бўлди.


Олинган бирикмалар ИҚ– спектроскопия билан ўрганилганида С-N=O гуруҳга хос асимметрик ва симметрик тебранишларга хос сигналлар 1358-1337 ва 1523-1512 cm^{-1} соҳада намоён бўлди. Шунингдек, бензол халқасининг 1,2,3,4- ва 1,2,4,5-ҳолатларига алмашинган (реакция шароитига боғлиқ равишда) ҳосилаларига хос ютилиш чизиқлари ҳам кузатилди.

Реакцияни 3'-алкил-4'-нитрозо-4''-нитро-ДБ18К6 (динитро-ДБ18К6 ни моно алкиллаш маҳсулоти) ҳосил бўлиш боскичида тўхтатиш амалда мумкин эмас, чунки краун-эфирда трансануляр узатиш кузатилади ва бу реакциянинг кўшимча фаолланишига олиб келади.

Фазаларо катализ шароитида ДБ18К6 ҳосилалари реакциясида Гриньяр реактиви радикалнинг тузилишини ўрганиш


4',4''-динитро-ДБ18К6 ни алкиллаш реакциясида Гриньяр реактивидаги радикални краун-эфир молекуласига киритиш вақтида унинг тузилишини таъсирини ўрганиш қизиқиш уйғотди. Бунинг учун бутил бромиднинг топиш мумкин бўлган изомерлари, яъни *нормал*-, *иккиламчи*-бутил, *изо*-бутил ва *учламчи*-бутил бромидлари қўлланилди.

Реакция юқорида келтирилганидек краун-эфирнинг энг яхши эритувчиси бўлган бензол эритмасида олиб борилди:




Барча реакцияларда ҳам макроциклнинг жигарранг комплексига хос бутилмагний бромид бирикмаси билан ҳосил бўлди, лекин жигаррангдан ёрқин-яшил рангга ўтиш ҳолати фақатгина нормал тузилишга эга бўлган бутилбромид билан содир бўлди. 4',4''-динитро-ДБ18К6 ва бутилбромиднинг изомери билан реакциянинг массани кўпроқ вақт аралаштирилиши (10 соатдан кўп) ва ҳароратни -10°C - $+80^\circ\text{C}$ гача ўзгартирилиши натижа бермади. Олинган тадқиқот натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, радикалларнинг молекуладаги ҳажмий ноқулайлиги ДБ18К6 нинг динитро- ҳосилаларини Гриньяр реакцияси бўйича фазаларо катализ шароитида алкилланиш эҳтимоллигини камайтиради. Шунингдек, ДБ18К6 нинг динитроҳосилаларидаги бензол ядросига тармоқланган ўринбосарларни киритишга ҳаракат қилинди. Изланишлар натижасида

классик усулда Гриньяр реакцияси диэтил эфири эритувчисида куйидаги схема бўйича олиб борилди:



Таъкидланганидек, классик усулда қўлланилган эритувчи ишлатилганида магний билан ҳосил бўлган комплекс макроциклнинг ички бўшлиғини фазовий ҳолатини ўзгартирмайди ва алкиллаш қулайроқ бўлган орто-ҳолатга кетади. Синтез қилинган олинган 4',4''- динитрозо -5',5'' -ди-(*н-, иккиламчи-, изо-, учламчи-*) бутил-ДБ18К6 бирикмалар аморф кукун ҳолатда ёрқин яшил рангли бўлиб, унуми 70-75% ни ташкил қилади. Олинган бирикмаларнинг тузилиши элемент анализ ёрдамида ва ИҚ-, ¹Н- ва ¹³С-ЯМР – спектроскопия усулларида тасдиқланди.

4',4''- динитро-ДБ18К6 моддасини RBr билан эфирсиз муҳитда Гриньяр реакцияси олиб борилганида, алкиллаш 3-ҳолатга кетади, эфир муҳитида эса 5- ҳолатга кетади. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, апротон муҳитда магнийэфират комплексларининг ҳосил бўлишини куйидаги тузилиш билан тушунтириш мумкин:




Оралиқ ҳолатлари: бензолда

диэтил эфирида

ДБ18К6 ни нитрозолаш

ДБ18К6 ни тўғридли-тўғри нитрозолаш натижасида 4',4''(5'')-динитрозо-ДБ18К6 олинди. Краун-эфирларнинг макромолекулаларини тузилишига асосланган ҳолда, ва фенол ҳамда унинг эфирларини ишқорий ер металллар нитритлари билан ДБ18К6 ни нитрозолаш реакциялари ўрганилди. Краун-эфирнинг яхши эриши учун сульфат кислотаси полифосфат кислотасига сўнгра ортофосфат кислотасига алмаштирилди:



Олинган 4',4''(5'')-динитрозо-ДБ18К6 яшил рангли кристаллар бўлиб, суюқланиш ҳарорати 142-145⁰С. Натрий нитрити билан реакция олиб борилганида унум 55%, калий нитрити ишлатилганида эса 70% бўлди. Калий нитрити қўлланилганда маҳсулот унумининг ошишига дастлабки ДБ18К6

нинг диаметри ва калий иони радиусининг мос келиши ва макроциклнинг металл иони билан комплекс ҳосил қилиши таъсир кўрсатади. 4',4''(5'')-Динитрозо-ДБ18К6 нинг тузилиши УБ-, ИҚ- ва ПМР- спектроскопия усуллари билан тасдиқланди.

Дибензо-18-краун-6 янги ҳосилаларининг амалий аҳамияти

ДБ18К6 нинг янги ҳосилаларини мембрана фаоллиги ўрганилди. Таъкидлаш керакки, краун таркибли сорбент (КТС) даги ўринбосарнинг электронодонорлик таъсирини ошиши калий катионига селективликни оширади. Қўшбоғли бирикмалар эса аммоний катионига селективдир. Электроноакцепторли ўринбосари бўлган КТС лар энг юқори транспорт хоссасини намоён қилади.

ДБ18К6 нинг янги ҳосилаларини қон томирларига протезни юттириши хусусиятини ўрганиши

“Истикболли тиббиёт технологиялари” илмий тадқиқот лабораторияси ходимлари(Москва шаҳри) билан ҳамкорликда ДБ18К6 асосидаги учламчи спиртларнинг антитромбогенлик, микрожаррохликда ғоваклилик, узилишга мустахкамлик синовлари ўтказилди.

Тадқиқот давомида қуйидагилар аниқланди: қон томирлари учун юттирувчи, модификацияланган краун таркибли компонентлар юқори тромборезистент, нолинчи жаррохлик ғоваклилиги ва узилишга юқори мустахкамлиги билан ажралиб туради. Олинган модификацияланган тиббиёт буюмлари қон билан таъсирлашиш жараёнларида юрак тешикларини беркитишда ишлатилади.

ДБ18К6 асосида олинган учламчи спиртларнинг ўсимликлар ўсишини бошқарувчи ва фунгитоксик фаоллиги

ДБ18К6 асосидаги учламчи спиртлар пахта чигитининг униб чиқишни ингибитори сифатида ишлатилади. Тажрибада уларнинг фунгитоксик фаоллиги аниқланган: 4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)-ДБ18К6 ва 4',4''(5'')-ди-(метилаллил-оксиметил)-ДБ18К6 *Fusariumsolani* ва *Alternaria alternata* ларга нисбатан антибиотик фаолликни намоён қилади, микросклероций ўсиши учун таъсир қилади, бунда унинг морфологиясини ўзгартириб қора рангдан кулрангга ўтади. 4',4''(5'')-ди-(метилпропилоксиметил)-ДБ18К6 эса *Fusariumsolani* га нисбатан фунгистатик фаолликка эга.

Янги авлод 4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)- ДБ18К6 ингибитори бактерияларга нисбатан биоцид фаолликка эга ва иссиқ шароитларда микробиологик коррозияланишга қарши самарали таъсир кўрсатади.

ДБ18К6 асосида олинган ҳосиларнинг комплекс ҳосил қилиши хоссаларини фотометрик усулда аниқлаш

4',4''(5'')-ди-(метил-н-бутилоксиметил)-ДБ18К6 аналитик реагент сифатида амалий аҳамиятга эга, атом радиуси катта бўлган d-металлар билан

селектив комплекс ҳосил қилади ва минераллардан скандийни ажратиб олишда аналитик реагент сифатида ишлатиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи бобида тажриба қисми берилган бўлиб, ишлатилган реагентларнинг таснифлари, кимёвий ўзгартиришларнинг усуллари ва синтез қилинган бирикманинг физик-кимёвий таснифлари келтирилган.

ХУЛОСА

1. Дибензо-18-краун-6нинг 4',4''- и 4',4''(5'')-дигалоидли ҳосилалари асосида Гриньяр реактиви олинди ва уларнинг реакцион қобилиятлари аниқланиб, Гриньяр реактивининг галогенга боғлиқ равишда фаоллик қатори (I>Br>Cl) тузилди.

2. Дибензо-18-краун-6 нинг бир қатор учламчи спиртлари олинди ва уларнинг тузилиши замонавий физик-кимёвий усуллар орқали тасдиқланди ҳамда дибензо-18-краун-6 ҳосилаларини синтон, Гриньяр реактиви ва фазавий ўтиш катализатори сифатида қўллаш тавсия этилди.

3. 4',4''-динитродибензо-18-краун-6 ни алкиллаш нитрозогуруҳни нитрозога қайтариш реакцияси билан параллел ҳолда амалга оширилди ва эфирли муҳитда алмашилиш 5',5''- ҳолатга, липофил эритувчиларда эса кўпроқ 3',3'' ҳолатга кетиши тасдиқланди.

4. Маҳсулотларнинг экстракцион ва транспортлик хоссалари аниқланди ва краун тутган сорбент (КТС) даги ўринбосарнинг электроманфийлиги оширилса натрий катионига нисбатан селективлиги, электронодонорлик хоссаси оширилса калий катионига нисбатан селективлиги ошиши кўрсатилди.

5. Синтез қилинган бирикмаларнинг микробиологик хоссалари аниқланди ва 4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)-добензо-18-краун-6 нинг ёўза ўсимлиги ўсишида ингибитор, 4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)-добензо-18-краун-6 ни эса бактерияларга нисбатан биоцид таъсирга эга эканлиги ва *Pseudomonas putida* ва *Pseudomonas turcosa* микроорганизмлари томонидан қўзғатиладиган нефть саноати қурулмалари биокоррозияси учун ингибитор, шунингдек 4',4''(5'')-ди-(метилфенилоксиметил)-добензо-18-краун-6 ва 4',4''(5'')-ди-(метилаллилоксиметил)-добензо-18-краун-6 *Fusarium solani* ҳамда *Alternaria alternate* ларга нисбатан антибиотик сифатида тавсия этилди.

6. Модификацияланган ва қон томирлари протезига юттирилган 4',4''(5'')-ди-(диметилоксиметил)-добензо-18-краун-6 ни туғма ва ҳаёт давомидаги мураккаб юрак хасталиқларини даволашда ишлатиладиган тиббиёт буюмларини тайёрлашга тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc27.06.2017.К.01.03 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КОЗИНСКАЯ ЛЮБОВЬ КОНСТАНТИНОВНА

**СИНТЕЗ И СВОЙСТВА НОВЫХ ПРОИЗВОДНЫХ
ДИБЕНЗО-18-КРАУН-6 ПО РЕАКЦИИ ГРИНЬЯРА**

02.00.03 – Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2PhD/K111

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.ik-kimyo.nuu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ташмухамедова Айниса Каримовна**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич**
доктор химических наук,
Кадиров Хасан Иргашевич
доктор технических наук

Ведущая организация: Институт химии растительных веществ

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (99871) 277-12-24; факс: (99824) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №___). Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (99871)277-12-24; факс: (99824)246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2019 г.)

Х. Т. Шарипов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней
д.х.н., профессор

Д. А. Гафурова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней, д.х.н.

А. К. Абдушукуров
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире в области органического синтеза проводится ряд практических работ для интенсивного развития переработки продуктов нефтегазовой промышленности, производства высокоэффективных стимуляторов роста растений в сельском хозяйстве, лекарственных средств с уменьшенным побочным действием за счет пролонгирующего действия в фармацевтике. В том числе, вещества и материалы на основе краун-эфиров с индуцированным мембранным транспортом ионов, обладающие фунгитаксичными и ингибирующими свойствами открывают широкие возможности практического применения в областях биологии, медицины и химии.

В мире внедрение современных технологий в химическую промышленность, синтез новых типов органических соединений, природных антибиотиков (валиномицин и др), ингибиторов биокоррозии оборудования нефтяной промышленности, катализаторов фазового переноса являющиеся реагентами и реактивами в реакциях Гриньяра являются актуальной задачей. В этой области интенсивно развивается определение структуры продуктов на основе краун-эфиров и целевой синтез перспективных веществ, а также создание лекарственных препаратов, обладающих фармакологической активностью.

В нашей стране в последнее время особое внимание уделено решению проблем применения в практике производства новых видов импортозамещающих товаров на основе местного сырья. В данной области достигнуты определенные результаты при производстве продукции фармацевтической и химической промышленности, особенно в анализе благородных и токсичных металлов и их выделении. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечению на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. В этом аспекте, в том числе получение новых производных дибензо-18-краун-6 на основе реакции Гриньяра для синтеза веществ, применяемых в медицине, биологии и химии, а также определение области их применения и внедрение в практику имеет большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Узбекистан», в ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Во всех промышленно развитых государствах мира интенсивно проводятся исследования связанные с изучением и целевым использованием краун-эфиров и их производных. В этом направлении за рубежом Dixon S.A. изучает реакции Гриньяра с бензокраун-эфирами, а Deetz Martin J. и Li Ya-Ping изучают реакции нитрования бензо- и дибензокраун-эфиров. O. Kikukawa с учениками проводят исследования с винилпроизводными краун-эфиров. Hazeimeh H. и J.M. Mattalia (France) изучают реакции Гриньяра с использованием производных краун-эфиров в качестве катализаторов фазового переноса.

Ряд ученых СНГ также внесли значимый вклад в развитие химии макроциклических полиэфиров. Под рук. акад. Богатского А.В. в физико-химическом институте Украины проводят научные работы Котляр С.А. и Плужник-Гладырь С.М. в области синтеза и изучения свойств новых производных краун-эфиров. Клятская С.В. (МГУ, Россия) разработала методы синтеза ацетиленовых производных бензокраун-эфиров. Луковская Е.В. с коллегами на химическом факультете МГУ им. Ломоносова изучают тиофенсодержащие дибензокраун-эфиры.

В Республике в области исследований макроциклических полиэфиров занимаются проф. Ташмухамедовой А.К. и ее ученики. Ими осуществлены реакции электрофильного замещения бензольного ядра в бензо- и дибензокраун-эфирах. Мирходжаевым У.З. проводятся научно-исследовательские работы по изучению транспорта ионов через различные биологические и модельные мембраны. Кроме этого, систематически исследуются мембрано-активные свойства гомологических рядов функциональных производных бензокраун-эфиров. Нурмоновым С.Э. и Зиядуллаевым О.Э. проводятся научные работы в области синтеза ацетиленовых спиртов на основе реакции Гриньяра.

Решение проблемы определения оптимальных условий синтеза ряда третичных спиртов и алкилнитрозопроизводных краун-эфиров, использования их в различных целях – является важным для развития химической промышленности нашей Республики.

